

ТАЪЛИМ БЕРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНИ

Абдурахманова Сайёрахон Рўзалиевна

Фарғона вилояти Фавқуллода
вазирлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти
хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Инсоният ўз ривожининг янги босқичига қадам қўйган вақтдан, яъни янги минг йилликнинг бошланиши билан индустриал жамиятдан ахборот жамиятига ўтиш бошланди. Бу ўтишни таъминловчи жараён ахборотлаштириш номини олди. Ахборотлаштириш – меҳнат сифатини, яшаш шароитларини тубдан ўзгартириш учун етарли бўлган ва жамиятнинг барча аъзоларини ахборот билан таъминлаш даражасини қўллаб-қувватловчи ахборот воситалари ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ва умумқўллаш жараёнидир. Ахборотлаштиришнинг зарурати ахборотнинг роли ва қийматининг кескин ўсиши билан изоҳланади. Ахборот жамияти ахборотларни яратиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва жамлаш бўйича инсон фаолиятини ўз ичига олган юқори даражада ривожланган ахборот муҳити билан тавсифланади.

Ҳозирги кунда ахборот муҳити инсон фаолиятида материал манбага нисбатан етакчи бўлиб бормоқда. Ахборот манбалари тижорат тавсифига эга бўлмоқда ва янги ахборот хизмати жадал ривожланмоқда. Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши фойдаланувчилар билан бир қаторда ишлаб чиқувчилар учун ҳам тайёргарликни талаб қилади.

Бунда барча ўрганувчилар учун қуйидагилар зарур:

- Ахборот жараёнлари, таркиби, моделлари, негиз ва амалий ахборот технология воситалари ва усулларини лойиҳалаш ва яратиш.

- Ахборот технологиялари негизда тизимни бошқариш усулларини билиш.

- Турли фан соҳаларида функционал масалаларни ечишда, ҳамда ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалашда ахборот технологияларини қўллашни билиш.

- Ахборот тизимларининг қўлланилиш соҳалари ва ахборот жамиятига ўтиш шароитида унинг келажаги ҳақида тушунчага эга бўлиш.

Ахборот тизимларини яратиш соҳасидаги билимлар ахборот маданиятини шакллантиришда бошқа йўналишлардаги мутахассислар учун ҳам зарурдир. Бундай билим информатика соҳасида малакали мутахассислар мавжуд бўлгандагина шаклланиши мумкин. Бундай мутахассисларга бўлган талаб Ўзбекистонда ҳам, чет элларда ҳам ортиб бормоқда.

Ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги таркибий ўзгаришлар барча йўналишлар бўйича қайта тайёргарликни талаб қилмоқда. Кўплаб ишчи-ходимлар олий таълим йўналишида қайта тайёргарликка муҳтож бўлмоқдалар. Юқори малакали кадрларни тайёрлашда кундузги таълим билан бир қаторда масофавий таълим тизимларини тадбиқ қилиш катта самара беради.

Масофавий таълим тизимларида катта ҳажмдаги замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологияларга асосланган таълим – ахборот муҳитини яратиш ҳисобига бир таълим олувчига бўлган сарф-ҳаражатни анъанавий таълим тизимида нисбатан камайтириш мумкин. Бу унинг сифатини сақлаган ҳолда янги ўқитиш даражасини таъминлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда кенг муҳокама қилинаётган бундай хизмат – Интернет глобал тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқитиш ёки масофавий таълимдир. Бундай ўқитиш ҳақида фикрлар турлича ва қарама-қарши. Бу нормал ҳолат, чунки, ҳар қандай ўқитиш усулида ахборотнинг маълум бир қисми мустақил ўрганиш учун қолдирилган. Масофавий таълимни ахборотларни узатиш, ўрганиш ва мулоқот қилишнинг асосий воситаси бўлган Интернет тизими билан боғламоқдалар.

Мураккаб социал-иқтисодий шароитларда масофавий таълим олиш алоҳида регионлар, кам ҳаракатланувчи кишилар ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун жуда муҳим бўлмоқда. Масофавий таълимни, фақат мақсадга йўналтирилган дастур асосида фундаментал, табиий-илмий, умуммутахассилик, махсус фанлар бўйича ўқитишга қаратилган юқори сифатли мултимедиа-технологияларни яратгандагина самарали тадбиқ қилиш мумкин. Аммо бу ҳозирги кунда катта молиявий воситаларни талаб қилади ва тижорат шаклида ўзини оқламапти. Бундай дастурнинг тадбиқ қилиниши, ўрганувчига мустақил иш юкласини орттирган ҳолда, ўқув жараёнини янгича ташкиллаштириш имконини беради.

Таълимни ахборотлаштириш жараёнида қуйидагини назарда тутмоқ лозим: компьютердан фойдаланишнинг асосий мақсади инсон қўйилган

педагогик масалани бажара олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларга қаратилган. Масалан, ўқитувчи компьютерли моделлаштиришсиз кўпгина физик жараёнларни кўргазмалли кўрсата олмайди. Иккинчи томондан, компьютер мантиқий фикрлашни ривожлантиришда, янги билим ва кўникмаларни ўрганишда ўқувчи имкониятларининг ўсишига ёрдам бериши лозим. Ўргатиш жараёни турли ахборот (аудио, видео, график, матнли, жадвалли) билан ишлаш технологиясига эмас, маълум бир дастурий воситалар билан ишлай олишга қаратилган бўлиши лозим.

Юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган тезкор ўзгаришлар таълим тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукамал таълим тизими орқали республикамизнинг келажак интеллектуал имкониятларини ва уни гуллаб яшнаши ҳамда ривожланишини белгилаб берувчи ёшларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунинг учун таълимда энг муҳим стратегик йўналиш бўлиб, таълим муассасаларини инновацион фаолияти ҳисобланади. Бу эса барча таълим муассасаларида, айниқса ижодкор, юқори салоҳиятли мутахассис педагог кадрларни тайёрловчи олий таълим орқали интеллектуал мулкни тайёрлаш ва интеллектуал мулк тизимини инновацион фаолият кўринишида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. “Ахборот тизимлари назарий асослари.” Магистратура мутахассислари учун ўқув қўлланма. Тошкент 2012й.
2. Хўжиев М. Я. “Возможности повышения эффективности мультимедиа в процессе урока” .Универсум: психология и образование, (1), 2020й.
3. Рашидов Х. “Касбий педагогика” Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007й.